

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ РАХМАТИЛЛА НУРИЛЛАЕВИЧ

***EUPHORBIA FRANCHETII (B.FEDTSCH), EUPHORBIA CANESCENS (L.)
ВА EUPHORBIA HUMIFUSA (WILLD.) ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ
ПОЛИФЕНОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ***

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Рахматилла Нуриллаевич

***Euphorbia franchetii* (B.Fedtsch), *Euphorbia canescens* (L.), *Euphorbia humifusa* (Willd.) ўсимликларининг полифеноллари ва уларнинг биологик фаоллиги..... 3**

Рахимов Рахматилла Нуриллаевич

Полифенолы растений *Euphorbia franchetii* (B.Fedtsch), *Euphorbia canescens* (L.), *Euphorbia humifusa* (Willd.) и их биологическая активность.....21

Rakhimov Rakhmatilla Nurillayevich

Polyphenols from *Euphorbia franchetii* (B.Fedtsch), *Euphorbia canescens* (L.) *Euphorbia humifusa* (Willd.) and their biological activities.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ РАХМАТИЛЛА НУРИЛЛАЕВИЧ

***EUPHORBIA FRANCHETII (B.FEDTSCH), EUPHORBIA CANESCENS (L.)
ВА EUPHORBIA HUMIFUSA (WILLD.)* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ
ПОЛИФЕНОЛЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/K21
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдулладжанова Нодира Гуламжановна
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рамазанов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Гафуров Махмуджон Бакиевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот
институти**

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик модалари кимёси институти ҳузуридаги DsC.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс: (99871) 262 70 63)

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.:262 35 40, факс (99871) 262 70 63, e-mail:shsha@mail.ru)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Ш.А.Шомуротов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д

М.Б.Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кенг тарқалган юрак-қон томир, қандли диабет, онкологик касалликлар, яллиғланиш жараёнларининг асосий сабабчиси - организмдаги эркин радикаллар миқдорининг меъёрдан ортиб кетиши ҳисобланади. Халқ табобатида ҳамда анаънавий тиббиётда ана шундай патологик ҳолатларни олдини олиш ва даволашда, одатда, ўсимликлардан ажратиб олинган иккиламчи метаболитлар, жумладан полифенол табиатига эга бўлган биоантиоксидантлар қўлланади. Улар кислороднинг фаол шаклларини нейтраллаши натижасида организмни оксидловчи стресслардан ҳимоя қилади, хужайраларнинг оксидланиш-қайтарилиш хоссаларини тартибга солиб, организмни эрта қаришига тўсқинлик кўрсатади. Полифеноллар нафақат оксидланиш жараёнларини изга солиши, балки антимикроб хоссалари туфайли ҳам таъсир доираси кенг дори воситалари яратиш имконини беради. Шунинг учун биологик фаол полифенолларни излаб топиш ва улар асосида самарали дори воситаларини яратиш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда биологик фаол бирикмаларга бой бўлган ўсимлик манбаларини излаб топиш ҳамда кимёвий таркибини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ўсимликлар қаторига *Euphorbiaceae* оиласининг катта туркумини ташкил этувчи *Euphorbia* кириб, у ўз ичига 2000 га яқин турни олади. *Euphorbia* тури ўсимликларидан кўп сонли иккиламчи метаболитлар-терпеноид, стероид, флавоноид, таннинлар ажратиб олиниб, доривор ўсимлик сифатида мигрен, гонорея, ичак паразитлари, сўгал ва тери касалликларини даволашда, шунингдек, ўсимлик экстрактлари иситмани тушириш, оғриқ қолдириш, антипролифератив, цитотоксик ҳамда бактерия ва вирусларга қарши самарали восита сифатида кенг қўлланилмоқда.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатида импорт ўрнини босувчи, хорижий аналоглари билан рақобатлаша оладиган, маҳаллий дори воситалари ва субстанциялари билан таъминлаш, истиқболли маҳаллий ўсимликлар асосида ножўъя таъсирларга эга бўлмаган, самарали дори воситаларини яратиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, «Мегосин» (герпес), «Гозалидон» (хламидия), «Рагосин» (гепатит), Рутан (грипп) каби дори препаратлари яратилган ва тиббиёт амалиётига жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, доридармонлар нархларини ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

вазифаларни амалга оширишда, биологик фаол бирикмаларни ажратиш, кимёвий таркибини аниқлаш ҳамда улар асосида доривор воситаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан янги самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3729-сон «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Япон олимлари Т.Yoshida, Т.Okuda, N.Takhashi ва бошқалар томонидан *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи ўсимликларнинг таннинларини тадқиқ этиш жадал олиб борилди. Улар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида *Euphorbia hirta* L., *E.thymifolia*, *E. helioscopia* L., *E.jolkini*, *E.supina*, *E.maculata* L., *E.tirucalli* L., *E. humifusa*, *E.watanbei* ўсимликларидан аввалдан маълум бўлган мономер гидролизланувчи таннинлар билан бир қаторда янги димер ва тример эллаготаннинлар ажратиб олинди. Бирикмаларнинг кимёвий тузилишлари билан бир қаторда, уларнинг антиоксидантлик ва вирусларга, жумладан ОИВга қарши самарали фаолликка эгаллиги ҳам тажриба йўли билан исботлаб берилди. Сўнгги йилларда ушбу оиланинг бошқа турлари таркибидаги полифеноллар чуқур таҳлил қилиб келинмоқда. Жумладан, Л.Н.Гвазаева М.Д. Алания томонидан *E. glareosa* туридан – маълум моддалар билан биргаликда янги glareин А, glareин В таннинлари ажратиб олиниб физик кимёвий усуллар ёрдамида уларнинг кимёвий структураси исботланган. Араб олимлар Z.Z.Ibraheim ва бошқалар томонидан эса *E. aphylla* ва *E.peplus* L. ўсимликларидан галл ва эллаг кислоталарининг метил ҳосилалари ҳамда флавоноид ва уларнинг глюкозидлари ажратиб олиниб, уларнинг яллиғланиш ва бактерияларга қарши фаолликка эга эканлиги аниқланган.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, Биоорганик кимё институти олимлари академик Ш.И.Салихов, профессор С.М.Мавлянов, к.ф.д. Н.Г.Абдулладжановалар томонидан

Ўзбекистонда ўсувчи *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи айрим ўсимликлар полифенолларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари аниқланиб, улар асосида вирусларга (грипп, ОИВ-1) қарши дори воситалари яратилган.

Дунёда олиб борилаётган тадқиқотларнинг аксарият қисми полифенолларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги ўртасидаги боғлиқликни, антиоксидант ва вирусларга қарши фаолликларини аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кўрсатиш механизмини очиқ беришга қаратилган бўлиб, ҳозирги кунгача *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи *Euphorbia franchetii* (B.Fedtsch), *E.canescens* (L.) ва *E.humifusa* (Willd) ўсимликларининг таннинлари тўғрисида етарлича маълумотлар олинган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-Т-051 «ОИТСга қарши фаолликка эга бўлган Эуфорбин дори воситасини яратиш» (2012-2014 й.й.) ҳамда ФА-А-11-Т061 «Махаллий ўсимлик хом ашёси полифеноллари асосида вирусларга қарши дори воситалари яратиш» (2015-2017 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Euphorbia franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларининг полифеноллари таркибини ва биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

E. franchetii (B.Fedtsch), *E.canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларидан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олишнинг оптимал шароитини излаб топиш;

ажратиб олинган полифеноллар йиғиндисини индивидуал бирикмаларга бўлиш;

тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари ёрдамида бирикмаларнинг тузилишини аниқлаш;

ажратиб олинган бирикмаларнинг биологик фаолликларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимлик турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўсимликлардан ажратиб олинган фенолокси кислоталар, флавоноидлар ва гидролизланувчи таннинлар, уларнинг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари, кимёвий парчалаш маҳсулотлари ва таннинларнинг биологик фаоллиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот бажарилишида бирикмаларни ажратиб олиш ва тозалашнинг қуйидаги усуллари (экстракция, ҳайдаб олиш, колонкали ва юпқа қатламли хроматография, қайта кристаллаш), бирикмалар тузилишини аниқлашнинг физик усуллари (УБ-, ИҚ-спектроскопия, ^1H , ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия), бирикмалар тузилишини аниқлашнинг кимёвий усуллари (кислотали ва босқичли гидролиз, метанолиз реакциялари) ҳамда *in vitro* ва *in vivo* шароитдаги фармако-токсикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.), *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларидан 1 та фенол оксикислотаси, 5 та флавонол, 10 та гидролизланувчи таннинлар ажратиб олинган, уларнинг тузилиши аниқланган;

E. franchetii (B.Fedtsch) ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза янги гидролизланувчи таннин эканлиги исботланган;

E. canescens (L.) ўсимлиги ер устки қисмидан янги гидролизланувчи таннин 1,4,6-три-О-галлоил 2,3-валонеил-β-D-глюкоза ажратиб олинган ва тузилиши аниқланган;

илк бор *E. humifusa* (Willd.) ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратиб олинган 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил-β-D-глюкоза янги гидролизланувчи таннин эканлиги исботланган;

ажратиб олинган моддалар антиоксидант ва антигипоксантик фаолликка эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот объектларидан ажратиб олинган 3 та гидролизланувчи таннин янги табиий бирикмалардир ва уларнинг кимёвий тузилиши исботланган;

биологик тадқиқотлар натижасида ажратиб олинган бирикмалар антиоксидант ҳамда антигипоксантик фаолликларга эга эканлиги аниқланган;

фармако-токсикологик тадқиқот натижаларига кўра ажратиб олинган бирикмалар кам захарли бирикмалар синфига кириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ажратиб олинган моддаларни тадқиқ қилишда замонавий физик-кимёвий ва биологик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, тажрибалар натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган маҳаллий ва халқаро илмий журналларида чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, маҳаллий *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларнинг полифеноллари таркиби ўрганилиб, улардан фенолоксикислоталар, флавоноллар ва гидролизланувчи таннинлар ажратиб олинган. 3 та янги гидролизланувчи танниннинг физик-кимёвий хоссалари, кимёвий тузилиши, полифенолларни ажратиб олиш ва уларни идентификация қилишнинг физик-кимёвий усуллари ушбу соҳадаги янги илмий изланишлар учун услубий қўлланма вазифасини бажариши мумкин ҳамда табиий бирикмалар кимёсини янги маълумотлар билан бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ажратиб олинган янги бирикмалар юқори антиоксидант хусусиятга эга бўлиб, 10 мкМ концентрацияда липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнини тўлиқ ингибирлаган, шунингдек, полифенол моддалар нормобарик ва гемик гипоксия моделларида антигипоксик таъсирни намоён қилиб, тажриба

хайвонлари ўртача яшаш даврини назоратга нисбатан узайтирган. Фармакологик текширувлар натижасида ажратиб олинган танинлар кам захарли моддалар қаторига кириши маълум бўлган ва бу улардан тиббиётда антиоксидант ва антигипоксанти дори воситаларни яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларининг полифеноллари ва уларнинг биологик фаолликлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсимликлардан ажратиб олинган полифенол бирикмалари ФА-А10-Т053 рақамли «Қандли диабетда оксидатив стресс ҳолатини маҳаллий хом ашёдан олинган табиий бирикмалар билан коррекциялаш услубини ишлаб чиқиш» лойиҳасида *in vitro* шароитда биологик фаол моддаларнинг антиоксидант ҳамда гипогликемик фаолликни намоён этишида таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 17 сентябрдаги 4/1255-2467-сон маълумотномаси). Натижада экспериментал диабетда таннинлар қондаги глюкоза миқдорини гликлазидга нисбатан икки баробар кўпроқ тушириш, юқори антиоксидант ва гипогликемик фаолликни намоён этиш, тўқималар томонидан глюкозани утилизация қилинишида жигар глюкокиназа ферментини қайтариш имконини берган;

полифенол бирикмаларнинг оксиллар билан ўзаро таъсир механизми Белосток университетининг мақсадли илмий тадқиқотларида фойдаланилган (University of Bialystok Institute of Biology Department of Biologyнинг 2018 йил 13 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада полифеноллар α -синуклеин билан бириқиб, уларнинг ўзаро агрегацияга учрашини ингибирлаш ва нейродегенератив касалликларни олдини олиш ҳамда даволаш хусусиятига эга бўлган дори воситаларини яратиш имконини берган;

полифенол бирикмаларнинг пероксидли оксидланиш моделларида митохондрияларни ҳимоя қилиб, антиоксидантлик фаоллигини намоён қилиши Хитой Фанлар Академияси Шинжон Физика ва кимё техника институтининг мақсадли илмий тадқиқотида фойдаланилган (Xinjing Engineering Center for Ethnomedicice of Xinjing Technical Institute of Physics and Chemistry of CASнинг 2018 йил 30 августдаги маълумотномаси). Натижада организмнинг турли патологик ҳолатлардаги оксидатив стресс жараёнида полифенол моддалар антиоксидантлик хусусияти ва мембранопротекторлик хоссалари туфайли турли патологик ҳолатларнинг олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 9 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Euphorbiaceae* оиласи ўсимликлари полифеноллари» деб номланган биринчи бобида *Euphorbiaceae* оиласидан ажратиб олинган полифенол бирикмалар, уларнинг тузилишини аниқлашнинг физик-кимёвий усуллари, галло- ва эллаготаннинлар, уларнинг биологик фаолликлари, организмдаги метаболизми тўғрисида дунё адабиёти маълумотлари таҳлил этилган. Таннинларнинг асосий вакилларида ҳисобланган эллаготаннинларнинг конформацион тузилишлари батафсил ёритиб берилган.

Диссертациянинг «*Euphorbia franchetii* (B.Fedtsch), *Euphorbia canescens* (L.) ва *Euphorbia humifusa* (Willd.) ўсимликларининг полифеноллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотчи томонидан амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинган. Полифенолларга бой бўлган маҳаллий ўсимлик манбаларини излаб топиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида кенг тарқалган *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларининг гуллаш даврида териб, қуритилган ер устки қисмлари таркиби тадқиқ этилган.

E. franchetii (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.), *E. humifusa* (Willd.) ўсимликлари полифенолларининг ўсимлик вегетация даври мобайнида миқдорий ўзгариши аниқланди. Олинган натижалардан асосида ўсимликлар ер устки қисмида полифеноллар миқдори ўсимлик гуллаб мева тутиш даврида максимал миқдорда тўпланиши аниқланди.

Полифенол бирикмаларни ўсимликлардан ажратиб олиш ва чиқадиган таннинлар миқдорини ошириш йўллари излаб топиш ҳозирги кунда саноат олдидан турган долзарб муаммолардан биридир. Ўсимлик хом ашёсидан юқори унумга эга бўлган полифенол моддалар ажратиб олиш мақсадида экстракция жараёнига таъсир этувчи айрим омиллар аниқланиб чиқилган. Тадқиқотлар натижасида ҳар уч ўсимлик ер устки қисмидан полифенолларни самарали экстракцияси учун қуйидаги омиллар танлаб олинди: хом ашёни майдалиқ даражаси 5-10 мм, экстрагент 70% ацетон, хом ашё: экстрагент 1:6

нисбатда, экстракция ҳарорати 45⁰С; экстракция давомийлиги 2 соат; 3 маротаба такрорийликда.

Ўсимлик хом ашёсидан полифенолларни ажратиб олиш қуйидагича амалга оширилди: липофил табиатга эга бирикмалардан хом ашёни тозалаш мақсадида хлороформ билан 45⁰С ҳароратда уч марта экстракция қилинди. Сўнг хом ашёни хона ҳароратида, эритувчи учиб кетгунига қадар мўрили шкаф остида қуритиб, 70% сувли ацетон билан 45⁰С да уч марта экстракция қилинди. Олинган экстрактларни бирлаштириб, роторли буғлатгич ёрдамида қуюлтириб, сувли концентрат ажратиб олинди. Сувли концентратни этилацетат билан 1:6 нисбатда ажратиш воронкасида бир неча марта ишлов берилди ва этилацетатли фракцияларни ажратиб олинди. Этилацетатли фракцияни роторли буғлатгичда концентрацияси оширилиб, этилацетатли концентрат олинди. Намликдан қутилиш мақсадида сувсиз натрий сульфат (Na₂SO₄) тузидан солиб, 24 соат қолдирилди. Концентратни филтраб, 1:4 нисбатда хлороформ билан чўктирилди. Чўкмани вакуум-қуритиш шкафида 40⁰С да қуритилди. Қуруқ ўсимлик массасига нисбатан полифеноллар йиғиндиси *E. franchetii* (B.Fedtsch) турида 5.8 %, *E. canescens* (L.) турида - 6.3%, *E. humifusa* (Willd) турида эса - 5.6% ни ташкил этди.

Ажратиб олинган полифеноллар йиғиндисини қоғозли хроматография усулида н-бутанол-сирка кислота-сув 4:1:5 (1-система), н-бутанол-сирка кислота-сув 10:3:7 (2-система), сирка кислотанинг 15% сувли эритмаси (3-система) системаларида текширилганда, *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликлари таркибида мос равишда 8, 10 ва 9 та фенол моддалар синфига кирувчи бирикмалар борлиги маълум бўлди.

Полифеноллар йиғиндисини колонкали хроматография усулида алоҳида бирикмаларга ажратилди. Адсорбент сифатида силикагел, элюент сифатида хлороформ-метанол 17:3 (4-система), хлороформ-метанол 17:4 (5-система) хлороформ-метанол 17:5 (6-система) эритувчилар системасидан фойдаланилди ва учта фракция ажратиб олинди.

Гувоҳ моддалар иштирокидаги қоғозли хроматография натижасида ўсимликларнинг биринчи фракцияси таркибида R_f 0.51, 0.72 (1, 2-системалар) тенг бўлган модда борлиги аниқланди. Биринчи фракцияни вакуум остида хайдаб, қуруқ қолдиқни сув билан эритиб, совутилганда оқ кристалл модда чўкмага тушди. Бу моддани галл кислотаси ёрдамида идентификация қилинди.

Қоғоз хроматографияси ва сифат реакциялари (аммиак буғи, натрий карбонатнинг 5% ли эритмаси) натижасига кўра, иккинчи фракция таркибида флавоноллар синфига кирувчи моддалар борлиги кузатилди. Иккинчи фракцияни алоҳида бирикмаларга ажратиш мақсадида полиамидли колонкага жойлаб, хлороформ-метанол 9:1 (7-система), хлороформ-метанол 8:2 (8-система) эритувчилар системасида ювилди. Натижада *E. franchetii* (B.Fedtsch) ва *E. canescens* (L.) турларидан 3 та, *E. humifusa* (Willd) таркибидан эса 2 та бирикма ажратиб олинди. Ажратиб олинган моддаларнинг физик-кимёвий катталикларини адабиёт маълумотлари билан солиштириш натижасида аввалдан маълум бўлган флавоноллар: кверцетин,

кверцетин-3-О-рамнозид, кверцетин-3-О-галактозид, кемпферол, кемпферол-3-О-глюкозид эканлиги аниқланди

Сифат реакциялари ($\text{FeCl}_3:\text{K}_3\text{Fe}(\text{CN})_6$, 1:1 нисбатдаги сувдаги эритмаси) натижасида учинчи фракция таркибида гидролизланувчи таннинлар синфига кирувчи моддалар борлиги аниқланди. Гидролизланувчи таннинларни теридан махсус тайёрланган голл кукунида 60%→70%, метанол-ацетон-сув 7:2:1; 3:1:1; 5:3:2 эритувчилар системасида бирин-кетин ювиб, алоҳида фракцияларга ажратилди. Ажратилган фракциялар юпка қатламли хроматография (ЮҚХ, силуфол) усули бўйича кузатиб борилди ва ўхшаш фракциялар бир-бирига қўшилди. *E. franchetii* (*B.Fedtsch*) ўсимлиги таркибидан 4 та, *E. canescens* (*L.*) ўсимлигидан 7 та, *E. humifusa* (*Willd.*) ўсимлигидан 4 та индивидуал бирикмалар ажратиб олинди. Ажратиб олинган моддаларнинг физик-кимёвий катталиклари ўрганилиб, уларнинг тузилиши исботланди.

Тузилиши маълум бўлган таннинларнинг таҳлили

Тадқиқот объектларидан ажратиб олинган тузилиши адабиётларда маълум бўлган таннинларни гувоҳ моддалар иштирокидаги ҚХ ва ЮҚХ, спектрал усуллар, кимёвий парчалаш реакциялари махсулотларини текшириш ва олинган натижаларни адабиёт маълумотлари билан солиштириш орқали идентификация қилинди.

3-О-галлоил-4,6-гексагидроксидифеноил-β-D-глюкоза (1). (*E.franchetii* (*B.Fedtsch*)) - оқ рангдаги аморф кукун. $\text{C}_{27}\text{H}_{22}\text{O}_{18}$, $\text{Mm}=634$, R_f 0.68, 0.33 (1, 2-системалар), УБ-спектр (EtOH, λ_{max} , нм): 220, 246. ПМР-спектр (δ , 400 МГц, ацетон- d_6 , J=Гц, м.у.): 5.87 (1H, д, J=9, глук. H-1), 5.06 (1H, т, J=9, глук. H-2), 5.31 (1H, дд, J=9.0, 10.0, глук. H-3), 4.34 (1H, м, J=10.0, глук. H-4), 5.28 (1H, дд, J=5, 13, глук. H-5), 3.9 (2H, д, J=13, глук. H-6); 7.08, 7.09 (2H, галлоил гурух. (Галл) H-2, H-6); 6.84, 6.70 (2H, гексагидроксидифеноил гурух. (ГГДФ) H-3, H-3`).

Гераниин (2) - (*E. franchetii* (*B.Fedtsch*), *E. Humifusa* (*Willd.*)) - сариқ рангдаги кукун. $\text{C}_{41}\text{H}_{28}\text{O}_{27}$, $\text{Mm}=952$, R_f 0.40 (2-система), УБ-спектр (EtOH, λ_{max} , нм): 224, 285. ПМР-спектр (δ , 400 МГц, ацетон- d_6 , J=Гц, м.у.): 5.40 (1H, д, J=8, глук. H-1), 3.40 (1H, т, J=9, глук. H-2), 3.69 (1H, т, J=10, глук. H-3), 4.77 (1H, т, J=10, глук. H-4), 3.92 (1H, м, J=5, глук. H-5), 5.15 (2H, дд, J=6, 13, глук. H-6); 6.97, 7.02, (2H, галлоил гурух. H-2, H-6); 6.98, 6.57 (2H, гексагидроксидифеноил гурух. H-3, H-3`).



2,3-ди-О-галлоил-β-D-глюкоза (3) - (*E. franchetii* (*B.Fedtsch*), *E. canescens* (*L.*)) - тўқ жигарранг аморф кукун, $\text{C}_{20}\text{H}_{20}\text{O}_{14}$, $\text{Mm}=484$, R_f 0.25 (1-система). УБ-спектр (EtOH, λ_{max} , нм): 217, 276. ПМР-спектр (δ , 400 МГц, ацетон- d_6 , J=Гц, м.у.): 5.37 (1H, д, J=9, глук. H-1), 4.97 (1H, дд, J=9, 10, глук. H-2), 5.10 (1H, т, J=10, глук. H-3), 3.89 (1H, т, J=10, глук. H-4), 3.67 (1H, дд, J=5, глук. H-5), 3.98 (2H, дд, J=3, 12, глук. H-6); 6.48, 6.32 (2H, галлоил гурух. H-2, H-6).

1,2,3-три-О-галлоил-β-D-глюкоза (4) - (*E. canescens* (L.), *E. humifusa* (Willd.)) - жигарранг аморф кукун, C₂₇H₂₄O₁₈, ММ=564, R_f 0.36 (2-система), УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 218, 279. ПМР-спектр (δ, 400 МГц, ацетон-d₆, J=Гц, м.у.): 5.84 (1H, д, J=8, глюк. Н-1), 4.94 (1H, т, J=8, глюк. Н-2), 5.10 (1H, т, J=9, глюк. Н-3), 3.89 (1H, т, J=10, глюк. Н-4), 3.65 (1H, м, J=5, глюк. Н-5), 3.96 (2H, дд, J=2, 12, глюк. Н-6); 7.01, 6.68, (2H, галлоил гурух. Н-2, Н-6).


1-О-галлоил-4,6-гексагидрокси-феноил-β-D-глюкоза (5) - (*E. canescens* (L.), *E. humifusa* (Willd.)) - оқ аморф кукун, C₂₇H₂₂O₁₈, ММ= 562, R_f 0.34 (1-система). УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 226, 280. ПМР-спектр (δ, 400 МГц, ацетон-d₆, J=Гц, м.у.): 5.62 (1H, д, J=8, глюк. Н-1), 4.77 (1H, т, J=9, глюк. Н-2), 5.16 (1H, т, J=9, глюк. Н-3), 3.85 (1H, т, J=10, глюк. Н-4), 3.63 (1H, м, J=5, глюк. Н-5), 3.87 (2H, дд, J=13, глюк. Н-6); 6.94, 6.67 (2H, галлоил гурух. Н-2, Н-6); 6.58, 6.46, (2H, гексагидрокси-феноил гр. Н-3, Н-3`).

1,4,6-три-О-галлоил-β-D-глюкоза (6) - (*E. canescens* (L.)) - оқ аморф кукун, C₂₇H₂₄O₁₈, ММ=564, R_f 0.45 (1-система). УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 216, 244. ПМР-спектр (δ, 400 МГц, ацетон-d₆, J=Гц, м.у.): 5.90 (1H, д, J=8, глюк. Н-1), 5.08 (1H, т, J=9, глюк. Н-2), 5.31 (1H, т, J=10, глюк. Н-3), 5.13 (1H, т, J=10, глюк. Н-4), 4.33 (1H, м, J=5, глюк. Н-5), 5.2 (2H, дд, J=13, глюк. Н-6); 6.98, 6.65 (2H, галлоил гурух. Н-2, Н-6).

1,2,6-три-О-галлоил-β-D-глюкоза (7) - (*E. canescens* (L.)) рангсиз аморф кукун, C₂₇H₂₄O₁₈, ММ=564, R_f 0.21, 0.53, (1-, 2-системалар). УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 216, 244. ПМР-спектр (δ, 400 МГц, ацетон-d₆, J=Гц, м.у.): 5.59 (1H, д, J=9, глюк. Н-1), 4.94 (1H, т, J=9, глюк. Н-2), 5.40 (1H, дд, J=10, глюк. Н-3), 5.09 (1H, т, J=10, глюк. Н-4), 4.34 (1H, м, J=6, глюк. Н-5), 5.27 (2H, дд, J=6, 13, глюк. Н-6); 6.61, 6.40 (2H, галлоил гурух. Н-2, Н-6).



ГГДФ Галлоил



- R, R₁=H; R₂= галлоил; R₃-R₄= ГГДФ (1)
R= галлоил.; R₁-R₃, R₂- R₄=ГГДФ. (2)
R, R₃, R₄=H; R₁, R₂= галлоил. (3)
R, R₁, R₂= галлоил; R₃, R₄=H (4)
R= галлоил.; R₁, R₂= H; R₃- R₄=ГГДФ (5)
R, R₃, R₄= галлоил.; R₁- R₂= H (6)
R, R₁, R₄= галлоил.; R₂, R₃= H (7)

Янги таннинларнинг кимёвий тузилишини таҳлил қилиш

1-О-галлоил-2,3-гексагидрокси-феноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза (8)
- *E. franchetii* (B.Fedtsch) ўсимлигидан ажратиб олинган сарик аморф кукун. C₄₈H₃₂O₃₁, MS m/z: 1103 [M-H]⁻, R_f 0.28, R_f 0.32 (1,2-системалар 1,2-очилтирувчилар), сувоқ.х 257-258 °С (парчаланиш билан), УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 220, 280.

Модданинг ПМР спектрида 6.08 м.у. соҳада дублет шаклида намоён бўлувчи сигнал глюкозанинг Н-1 протонига тегишли бўлиб, бу аномер марказнинг β-конфигурацияга эга эканлигини билдиради. Глюкозанинг Н-2, Н-3 протонлари 5.10 ва 4.68 м.у. соҳада мос равишда триплет ва дублет

шаклида намоён бўлиб, бу С-2 ва С-3 углерод атомларида жойлашган ОН гуруҳлар галлоилланганлигини билдиради. Углевод қисмининг Н-4, Н-6 протонига тегишли ютилиш сигналларининг қуйи соҳа томон силжиши ва мос равишда 5.11 ва 5.29, 3.92 м.у соҳада дублет шаклда намоён бўлиши С-4 ва С-6 углерод атомларидаги ОН-гуруҳларнинг галлоилланганлигидан далолат беради. Спектрнинг 6.64, 6.48 м.у. соҳасида синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлар галлоил гуруҳининг Н-2 ва Н-6 протонлари учун, 6.84, 6.70 м.у. соҳадаги синглет сигналлар гексагидроксидифеноил гуруҳининг Н-3, Н-3' протонлари учун, 6.12, 6.05, 6,01 м.у. соҳаларида синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлари эса валонеил гуруҳининг Н-2, Н-6', Н-6'' протонлари учун характерли. Олинган маълумотлар ¹³С ЯМР спектр натижалари билан ҳам тасдиқланди (1-жадвал).

1-жадвал

8- модда углерод атомларининг ¹³С ЯМР спектрдаги (δ, 100 МГц, ацетон d₆, м.у.) кимёвий силжишлари


Глюкоза		ГГДФ гуруҳ		Галлоил гуруҳ	Валонеил гуруҳ		
		А ҳалқа	В ҳалқа		А ҳалқа	В ҳалқа, С-1'	С ҳалқа, С-1''
С-1	92.11	119.31	108.89	125.90	166.21	144.84	139.08
С-2	72.71	118.63	108.74	110.93	165.58	144.74	138.66
С-3	72.40	118.49	108.67	145.81	165.30	144.66	138.61
С-4	70.48	117.99	108.61	136.02	165.20	144.57	138.42
С-5	68.08	136.50	108.30	145.80	164.50	138.11	138.31
С-6	61.40	134.72	108.12	110.92	148.70	148.0	121.10
С-7		169.29	169.56	169.15	168.56	169.10	169.12

Протонлар билан спин-спин таъсирлар тўла сўндирилган шароитда олинган спектрда глюкоза, галл кислотаси, гексагидроксидифеноил (ГГДФ) ва валонеил гуруҳига хос бўлган сингналлар кузатилди. 92.11 м.у. даги интенсив сигнал глюкозанинг С-1 атомига тегишли бўлиб, бу глюкозадаги аномер марказ β-конфигурацияга эга эканлигини билдиради. Глюкозанинг С-4, С-6 углерод атомларига тегишли сигналларнинг кучли майдон томон силжиши ва 70.48, 61.40 м.у. соҳаларда кузатилиши ушбу ҳолатлардаги ОН-гуруҳларнинг галлоилланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари С-2 ва С-3 ҳолатлардаги углерод атомларига тегишли сигналларнинг 72.71, 72.40 м.у. соҳаларда кузатилиши улардаги ОН- гуруҳлар ацилланганлигини билдиради. Шунингдек, спектрда галлоил гуруҳининг 7 та, ГГДФ гуруҳининг 14 та ва валонеил гуруҳининг 21 та углерод атомлари учун характерли сигналлар кузатилди (1-жадвал).

LC-MS Q-TOF масс-спектрометрининг манфий ионлашиш шароитида олинган 8-модданинг масс-спектрометрик фрагментация маҳсулотларида *m/z* 1103 га тенг бўлган молекуляр ионнинг иккита фрагментга: *m/z* 951 ва 169 га

эга бўлган ионларга парчаланганлиги кузатилди. Бу эллаготанниндаги глюкоза ва галл кислотаси ўртасидаги мураккаб эфир боғининг узилганлигидан далолат беради. m/z 951 га эга бўлган молекуляр ион кейинчалик m/z 649 ва 301 га тенг бўлган фрагментларга парчаланadi. Спектрда m/z 469 га тенг бўлган интенсив ион сигналининг кузатилиши m/z 649 га тенг бўлган иккиламчи ионнинг парчланиб, валонеил-гурухнинг ажралиб чиққанлигини тасдиқлайди. Кейинчалик иккиламчи манфий ионларнинг фрагментларга парчланиши натижасида ҳосил бўлган m/z 301 ва 169 га тенг бўлган манфий ион сигналлари галлоил ва гексагидроксиДФеноил-гурухларнинг стандарт усул бўйича фрагментланишига мос келади.

8-модданинг мономер таркиби ва кимёвий тузилишини аниқлаш мақсадида бир қатор кимёвий реакциялар олиб борилди (1-схема).



1-схема. 8-модданинг кимёвий парчланиш маҳсулотлари

5% ли H_2SO_4 кислота иштирокидаги гидролиз реакцияси маҳсулотлари таркибида 1:1:1:1 нисбатда глюкоза (9), галл кислотаси (10), эллаг кислотаси (11) ва валонеил кислотаси (12) ҳосил бўлганлиги кузатилди. Сув

иштирокида 90⁰С ҳароратда, 5 соат давомида олиб борилган босқичли гидролиз маҳсулотларини роторли буғлатгичда концентрациясини ошириб, ҳосил бўлган концентратга этилацетат билан бир неча марта ишлов берилди. ЮҚХ усулида этилацетатли фракция таркибида 1-О-галлоил-β-D-глюкоза (13) (R_f 0.25, бензол:ацетон 20:3, 10-система), 2,3-гексагидроксидифеноил-β-D-глюкоза (14) (R_f 0.23, 10-система), 4,6-валонеил-β-D-глюкоза (15) (R_f 0.18, 10-система) борлиги кузатилди. 8-моддани диметилсульфат ва сувсиз калий карбонат иштирокида метиллаб, реакция натижасида ҳосил бўлган метил эфири (16) 1% ли NaOMe нинг MeOH даги эритмасида метанолиз қилинди. Метанолиз натижасида метил-3,4,5-триметоксибензоат (17) (ЮҚХ, R_f 0.75, бензол:ацетон 9:1, 11-система), диметил-4,4',5,5', 6,6'-гексаметоксидифенат (18) (ЮҚХ, R_f 0.36, 11-система), ва триметил окта-О-метилвалонеат (19) (ЮҚХ, R_f 0.27, 11-система), ҳосил бўлганлиги гувоҳ моддалар иштирокида аниқланди (1-схема).

Юқорида келтирилган спектроскопик маълумотлар ва кимёвий парчаланиш реакцияси маҳсулотларига асосланиб, ушбу бирикма 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза эканлиги исботланди.

1,4,6-три-О-галлоил-2,3-валонеил-β-D-глюкоза (20) (*E. canescens* (L.)) -жигарранг аморф кукун, C₄₈H₃₄O₃₁, MS *m/z*: 1105 [M-H], R_f 0.12 (1-система). УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 325, 360. ИҚ-спектр (ν, см⁻¹). 3300-3400 (ОН), 1715 (СОО), 1620-1610, 1450 (аром.халқа), 1320 см⁻¹ (-С-ОН), 1250, 1045 (-С-О-С), 1080-1070 (С=О), 1040, 1010 (қанд қисм). ПМР спектрда (8) модда каби глюкоза, галлоил ва валонеил гуруҳ протонлари учун характерли бўлган сигналлар кузатилди. Глюкозанинг Н-1 протонига тегишли сигналнинг қуйи соҳа томон силжиши ва 6.10 (1Н, д, J=8, глюк, Н-1), м.у. соҳада дублет шаклида намоён бўлиши аномер протоннинг β-конфигурацияга эга эканлигини ва глюкозадаги С-1 углерод атомида жойлашган ОН-гуруҳнинг ацилланганлигини билдиради. 5.11 (1Н, дд, J=8, 10, Гц, глюк. Н-2); 5.51 (1Н, т, J=10, Гц, глюк. Н-3), 5.34 (1Н, т, J=10, Гц, глюк. Н-4), 5.40 (2Н, дд, J= 7, 13, Гц, глюк. Н-6) соҳаларда кузатилган сигналлар ушбу ҳолатларда жойлашган ОН-гуруҳларнинг ацилланганлигидан дарак беради. Спектрда 6.75, 6.68 м.у. даги бир протонли синглет сигналлар галлоил гуруҳининг иккита протонига, 6.15, 6.09, 6.06 м.у. соҳадаги синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлар эса валонеил гуруҳнинг учта протонларига тегишли. Олинган маълумотларни ¹³С ЯМР-спектр натижалари ҳам тасдиқлади (2-жадвал).

Юқоридаги схема (1-схема) бўйича олиб борилган кимёвий парчалаш реакциялари натижасига кўра 20-модданинг мономер таркиби ва тузилиши тўғрисида хулоса чиқарилди. Босқичли гидролиз маҳсулотларини ҚХ усулида гувоҳ моддалар иштирокида текширилганда (13), билан биргаликда 4-О-галлоил-β-D-глюкоза (R_f 0.44, 1-система), 6-О-галлоил-β-D-глюкоза (R_f 0.45, 1-система) ҳосил бўлгани, метанолиз реакцияси маҳсулотлари (ЮҚХ) таркибида эса (16), (17), (19) моддалар борлиги аниқланди.

Кимёвий ва спектрал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва адабиёт маълумотлари билан солиштириш натижасида **20**-моддани 1,4,6-три-О-галлоил-2,3-валонеил-β-D-глюкоза эканлиги исботланди.

2-жадвал

20-модда углерод атомларининг ¹³C ЯМР-спектрдаги (δ, 100 МГц, ацетон d₆, м.у.) кимёвий силжишлари

Глюкоза		Галлоил гуруҳ			Валонеил гуруҳ		
		1-ҳолат	4-ҳолат	6-ҳолат	А ҳалқа	В ҳалқа C-1'	С ҳалқа C-1''
C-1	92.35	119.64	119.18	118.30	165.35	145.62	139.20
C-2	74.57	109.15	108.93	108.63	165.29	145.58	138.60
C-3	70.80	145.60	145.54	145.85	164.43	145.52	138.26
C-4	67.63	136.00	139.22	139.60	144.72	146.53	136.66
C-5	66.99	145.80	145.51	145.80	136.55	138.12	138.91
C-6	62.94	110.10	110.10	110.20	144.73	143.08	141.13
C-7		165.35	165.29	164.43	167.08	167.09	172.02



1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил-β-D-глюкоза(21)

E.himufusa (Willd) ўсимлигидан ажратиб олинган оч жигарранг аморф кукун, C₄₈O₃₁H₃₄, MS *m/z*: 1105 [M-H], R_f 0.48 (1-система). УБ-спектр (EtOH, λ_{max}, нм): 216, 270. ИҚ-спектрда (ν, см⁻¹): 3490-3110 (ОН), 1740, 1715, 1592 (СОО), 1675, 1530, 1555, 1410 (ароматик ҳалқа), (СН₁-СН₂-) 2855, 1460 (=СН-ОН,С-Н) 1380, (С-О-С)1275. ПМР-спектр (δ, 400 МГц, ацетон-d₆, J=Гц, м.у.): 6.06 (1H, д, J=8, H-1), 5.13 (1H, дд, J=8, 10, H -2), 6.51 (1H, т, J=10, H-3), 5.34 (1H, т, J=10, H-4), 4.75 (1H, дд, J=7, 13, H-5), 4.60 (2H, дд, J= 7, 13, H-6), 7.18, 7.15, 7.10, 7.04, 7.00 (2H, галлоил гуруҳ.), 6.15, 6.13, 6,06 (3H, валонеил гуруҳ.). Спектрда глюкозанинг H-1 протонига тегишли бўлган сигналнинг қуйи соҳа томон силжиши ва 6.06 м.у. соҳада дублет шаклида намоён бўлиши аномер марказнинг β-конфигурацияга эга эканлиги ҳамда C-1 углерод атомида жойлашган ОН-гуруҳнинг ацилланганлигидан далолат беради. Глюкозанинг H-2, H-4, H-6 протонларига хос сигналларнинг мос равишда 5.13, 5.34 ва 4.60 м.у. соҳаларда кузатилиши, ушбу ҳолатларда жойлашган ОН-гуруҳларнинг ацилланганлигини билдиради. Спектрнинг 6.64, 6.48, м.у. соҳасида бир протонли синглет сигналлар галлоил гуруҳининг H-2 ва H-6 протонларига, 6.12, 6.05, 6,01 м.у. соҳаларида синглет шаклида намоён бўлувчи сигналлар эса валонеил гуруҳнинг протонларига тегишли. Мазкур модданинг ¹³C ЯМР-спектрида глюкоза, галлоил- ва валонеил- гуруҳ углерод атомлари учун хос бўлган сигналлар кузатилди (3-жадвал).

21- модда углерод атомларининг ^{13}C ЯМР спектрдаги (δ , 100 МГц, ацетон d_6 , м.у) кимёвий силжишлари

Глюкоза		Бисгаллоил гурух		Галлоил гурух	Валонеил гурух		
		А ҳалқа	В ҳалқа		А ҳалқа	В ҳалқа С-1'	С ҳалқа С-1''
С-1	94.01	119.19	109.20	119.88	165.67	145.63	139.53
С-2	74.44	119.08	108.95	110.20	165.56	145.51	139.30
С-3	72.06	118.97	108.83	145.82	164.54	145.47	138.97
С-4	70.88	118.26	108.75	139.61	164.36	145.41	138.64
С-5	67.87	116.51	105.51	145.80	136.10	135.64	136.55
С-6	61.69	110.10	103.10	110.20	144.44	147.03	142.15
С-7		168.70	166.40	167.23	169.10	168.32	163.36

Юқоридаги схема (1-схема) бўйича олиб борилган босқичли гидролиз реакцияси маҳсулотлари таркибида 6-О-бисгаллоил- β -D-глюкоза (R_f 0.38, 2-система), 2,4-валонеил- β -D-глюкоза (R_f 0.33, 2-система) борлиги кузатилди (ҚХ). Олинган кимёвий ва спектрал натижаларни таҳлил қилиш ва адабиёт маълумотлари билан солиштириш асосида ушбу модда 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил- β -D-глюкоза эканлиги исботланди.



Ажратиб олинган полифенолларнинг биологик фаолликлари

Ажратиб олинган моддаларнинг антиоксидант хоссалари Биоорганик кимё институтининг «Тадқиқотларнинг физик-кимёвий усуллар», «Молекуляр биофизика» ва «Метаболомика» лабораториялари ходимлари томонидан аниқланган. Тадқиқотлар *E.canescens* (L.) (1,4,6-три-О-галлоил-2,3-валонеил- β -D-глюкоза (ПС-1)), *E.franchetii* (B.Fedtsch) (1-О-галлоил-2,3-гексагидрокси дифеноил-4,6-валонеил- β -D-глюкоза (ПС-2)) ва *E.humifusa* (Willd.) (1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил- β -D-глюкоза (ПС-3))

Ўсимликларидан ажратиб олинган янги полифенол моддаларнинг каламуш жигар митохондрияларида ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, мазкур полифенол моддалар юқори антиоксидантлик хусусиятга эга (10 мкМ концентрацияда липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёнини тўлиқ ингибирлаган) эканлиги аниқланган. Шунингдек, полифенол моддаларнинг нормобарик гипоксия моделида антигипоксантик хусусиятлари текширилганда ПС-1 50 мг/кг, ПС-2 100 мг/кг ва ПС-3 50 мг/кг дозада антигипоксик таъсирни намоён қилиши аниқланган.

Мазкур полифенолларнинг ўткир заҳарлилиги (сичқонларда оғиз орқали) текширилганда ПС-1 (LD_{50} 3550 мг/кг), ПС-2 (LD_{50} 3250 мг/кг) IV синф кам заҳарли моддалар, ПС-3 ($LD_{50} \geq 8000$ мг/кг) эса V синф заҳарли бўлмаган моддалар қаторига кириши маълум бўлган.

Шунингдек, «Метаболомика» лабораторияси ходимлари томонидан *in vitro* шароитида адреналиннинг аутооксидланиш ва Fe^{2+} /аскорбат билан индуцирланган пероксидли оксидланиш моделларида полифеноллар- ПС-1, ПС-2, ПС-3 ва клиник амалиётда қанд миқдорини туширувчи препарат-гликлазиднинг антиоксидант фаолликлари ўзаро таққослаб аниқланган. Тадқиқот натижалари шундан далолат бердики, ПС-1 (11%), ПС-2 (17%) ва ПС-3 (20%) бирикмалари гликлазидга (10%) нисбатан юқори антиоксидант фаолликни намоён қилган. Экспериментал диабетдаги каламушларга 10 кун давомида полифеноллар бериб берилганда, уларнинг қонидаги глюкоза миқдорини гликлазидга нисбатан икки баробар кўпроқ туширган. Бу ҳолат ҳайвонлар тўқимаси томонидан глюкозани утилизация қилинишида муҳим рол ўйновчи каламуш жигари глюкокиназасини полифеноллар томонидан қисман қайтарилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Белосток Университети (Польша) биофизика кафедраси олимлари томонидан янги таннинларнинг қон зардоби альбумини билан ўзаро боғланиш хоссалари ўрганилган. Таннин билан оқсил ўртасидаги боғланиш, таннинларнинг молекуляр структурасига ва уларнинг оқсилга нисбатан мойиллик даражасига боғлиқ бўлиб, таркибида валонеил гуруҳи тутган таннинлар барқарор структурага эгаллиги ва кам эгилувчанлиги туфайли, галлотаннинлар каби оқсилларга мослашиш учун ўз структурасини ўзгартириш хоссасига эга эмаслиги маълум бўлган.

Учинчи боб «**Полифенолларни ажратиб олишда қўлланилган шароит ва услублар**» да тадқиқот объекти ва усуллари, полифеноллар йиғиндисини ажратиб олиш, уларни индивидуал бирикмаларга бўлиш, уларнинг кислотали, ишқорий гидролизи ва метиллаш ҳамда метанолиз реакцияларини ўтказиш шароитлари, реакция маҳсулотларини аниқлашда қўлланилган колонкали, қоғозли ва юпка қатламли хроматография усуллари ҳамда уларда қўлланилган эритувчилар системалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Ўзбекистонда ўсувчи *Euphorbia* туркумига мансуб *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларининг ер устки қисми полифеноллари таркиби таҳлил қилинди. Ажратиб олинган полифеноллар йиғиндисини соф бирикмаларга бўлиш схемаси тавсия этилди.
2. *E. franchetii* (B.Fedtsch), *E. canescens* (L.) ва *E. humifusa* (Willd.) ўсимликларининг ер устки ва ер остки қисмлари полифенолларининг вегетация даври мобайнида миқдорий ўзгариши ўрганилди, ўсимликларнинг ер устки қисми хом ашёсидан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олишнинг мақбул усули тавсия этилди.
3. Текширилган ўсимликлардан 13 та кимёвий тузилиши маълум бўлган полифеноллар, шу жумладан, 5 та флавонол, 7 та гидролизланувчи таннин ва 1 та фенолокислотаси ажратиб олинди ҳамда уларнинг кимёвий тузилиши кимёвий (кислотали ва босқичли гидролиз, метанолиз реакциялари) ҳамда физик-кимёвий (УБ, ИҚ, ПМР, ¹³С ЯМР-спектроскопия) усуллари ёрдамида исботланди.
4. 1-О-галлоил-2,3-гексагидроксидифеноил-4,6-валонеил-β-D-глюкоза (*E. franchetii* (B.Fedtsch)), 1,4,6-три-О-галлоил-2,3-валонеил-β-D-глюкоза (*E. canescens* (L.)), 1-О-галлоил-6-О-бисгаллоил-2,4-валонеил-β-D-глюкоза (*E. humifusa* (Willd.)) адабиётларда қайд этилмаган янги тузилишга эга моддалар эканлиги билан изоҳланади.
5. Янги таннинларнинг қон зардоби альбумини билан ўзаро таъсирлашиш хусусиятлари ҳамда таннин билан оксил ўртасидаги боғланиш таннинларнинг кимёвий структурасига ва уларнинг оксилга нисбатан мойиллик даражасига боғлиқ бўлиб, таркибида валонеил гуруҳи тутган таннинлар барқарор структурага эгаллиги, кам эгилувчанлиги туфайли галлотаннинлар каби оксилларга мослашиш учун ўз структурасини ўзгартириш хоссасига эга эмаслиги билан ифодаланади.
6. Фармакологик текширувлар натижасида ажратиб олинган таннинлар захарлилик даражасининг камлиги, биологик фаолликлари текширилганда эса улар юқори антиоксидант, антигипоксант фаолликларни намоён қилиши аниқланди ва келажакда амалий тиббиётда антиоксидант ва антигипоксант дори воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ БИОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

РАХИМОВ РАХМАТИЛЛА НУРИЛЛАЕВИЧ

**ПОЛИФЕНОЛЫ РАСТЕНИЙ *EUPHORBIA FRANCHETII* (B.FEDTSCH),
EUPHORBIA CANESCENS (L.) ВА *EUPHORBIA HUMIFUSA* (WILLD.) ИХ
БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ**

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/K21

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biohsem.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель	Абдулладжанова Нодира Гуламжановна доктор химических наук
Официальные оппоненты	Рамазанов Нурмурод Шералиевич доктор химических наук, профессор Гафуров Махмуджон Бакиевич доктор химических наук
Ведущая организация	Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел. 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер №___). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки ___ от _____ 2019 года).

Ш.И.Салихов

Председатель Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А.Шомуротов

Ученый секретарь Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

М.Б.Гафуров

Председатель Научного семинара при Научном Совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Широко распространенные по всему миру сердечно-сосудистые и онкологические заболевания, сахарный диабет, а также воспалительные явления могут быть следствием нарушения нормального уровня свободных радикалов в организме. Для лечения таких патологических состояний, как в традиционной, так и в народной медицине обычно применяются вторичные метаболиты растительного происхождения, в частности биоантиоксиданты, имеющие полифенольную природу. Они защищают организм от окислительного стресса путем нейтрализации активных форм кислорода, регулируют окислительно-восстановительные свойства клеток и препятствуют преждевременному старению организма. Поскольку полифенолы не только регулируют окислительные процессы, но и благодаря эффективным антимикробным свойствам, дают возможность разработать на их основе лекарственные препараты широкого спектра действия. Поэтому поиск и изучение новых биологически активных полифенолов и создание на их основе эффективных лекарственных средств имеет большое значение.

В настоящее время в мире большое внимание уделяется поиску и изучению химического состава растений, богатых активными биологическими соединениями. К подобным растениям относится *Euphorbia*, составляющая большую группу семейства *Euphorbiaceae*, она включает в себя почти 2000 видов. Из растения вида *Euphorbia* изолированы ряд вторичных метаболитов, как терпеноиды, стероиды, флавоноиды, танины и в качестве лекарственного растения применяются при лечении кожных заболеваний, мигрени, гонореи, гельминтозов и бородавок. А также экстракты растений *Euphorbia* обладают антипролиферативной, цитотоксической, жаропонижающей, болеутоляющими свойствами и широко применяются в качестве антибактериальных и противовирусных средств.

В фармацевтической отрасли нашей Республики с целью обеспечения импортозамещения зарубежных аналогов конкурентоспособными лекарственными средствами и субстанциями, созданными на основе местных растений, не имеющих побочного действия, эффективных лекарственных средств были реализованы комплексные широкомасштабные мероприятия и достигнуты определенные результаты. В частности, созданы такие лекарственные препараты как «Мегосин» (герпес), «Гозалидон» (хламидия), «Рагосин» (гепатит), Рутан (грипп, ОРВИ), и введены в медицинскую практику. В 4-направлении Стратегии развития Республики Узбекистан изложены важные задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями, недопущению

необоснованного роста цен на лекарства»¹. В реализации поставленных задач важное значение имеет дальнейшее ускорение работ по поиску богатых источников биологически активных соединений, установлению их химического состава, созданию на их основе новых, эффективных лекарственных средств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2020 годах» и № УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», № ПП-3729 от 18 мая 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия распространению гриппа и других острых респираторных инфекций в Республике Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

